ФАРҒОНА ВОДИЙСИ УЙҒУРЛАРИДА ЭТНОИНТЕГРАЦИЯ ЖАРАЁНЛАРИ

Г.Валихонова

В статье рассматриваются вопросы переселения представителей этнической группы уйгур на территорию Ферганской долины, а также процесс их интеграциии с местным населением в сфере материальной культуры.

In this article the questions of resettlement of the Uyghur ethnic group representatives in the territory of Ferghana valley and their integration with the inhabitants in the sphere of material mode of life are analyzed.

Маълумки, XIX асрнинг ўрталарига келиб Фарғона водийси ҳудудининг этник таркиби анча мураккаб кўринишга эга бўлди. Тарихнинг турли даврларида сиёсий, иқтисодий ва бошқа сабаблар билан водийга турли этник гуруҳ вакиллари кўчиб келиб жойлашганлар. Натижада водий аҳолиси сони кўчиб келиб ўрнашган этник гуруҳлар ҳисобига ўсди ҳамда ранг-баранг кўринишга эга бўлди.

Бу даврга келиб Шарқий Туркистондаги миллий-озодлик ҳаракатларининг муваффақиятсизликка учраши ҳамда ўлканинг хитой-манжурлар томонидан тўла забт этилиши мусулмон аҳолини ўз юртларини ташлаб кетишларига мажбур қилди [1-5].

Шуни ҳам таъкидлаш ўринлики, Шарқий Туркистоннинг мусулмон аҳолиси, асосан, эркаклар азалдан Фарғона водийси ҳудудига баҳорда мавсумий иш излаб келиб, кеч кузда уйларига қайтиб кетганлар [2.93]. Улар бу ерда турли юмушларни бажаришган, аксарият мардикорлар пахта далаларида ишлаганлар. Меҳнатлари учун оладиган ҳақлари ўз юртларида тўланадиган ҳақдан бир неча марта ортиқ бўлиб, жамғариб кетган мабағлари бутун қиш давомида оилаларини боқишга етган.

Шарқий Туркистондан чиққан қочоқларнинг ҳаммаси ҳам уйғурлар бўлмай, улар орасида Шарқий Туркистонда яшаган қирғиз, қозоқ, анжанлик (ўзбек) ва бошқа этник жамоа вакиллари ҳам бор эди. Бу эса муҳожирлик оқимининг кўпайишига сабаб бўлган [6.18; 7.45-47]. Ягона этник ном билан эмас, яшаш жойи – “қашқарлик”, “ёркентлик”, “оқсулик”, “тоғлик”, “дўлон” ва ҳоказо номлар билан аталган, шу билан бирга, водийда хўжа, қашқар, охун, тоғлик иборалари, одатда, уйғур муҳожирларига нисбатан қўлланган.

Шарқий Туркистон халқлари, хусусан, уйғурларнинг Фарғона водийсига кўчиб ўтишлари табиий миграцион жараён бўлмай, ушбу ҳудуддаги сиёсий воқеалар билан узвий боғлиқ эди. Аксарият ҳолларда уларнинг водийга келиб жойлашиши маҳаллий ҳукмдорларнинг ҳомийлигида амалга оширилган. Шарқий Туркистонлик қочоқларнинг водий ҳудудига кўчиб ўтиши XIX асрнинг 40-60-йилларида анча жадал кечди. Агар 1845 йилда Эшонхонтўра бошчилигида 20 минг уйғур халқи вакиллари Ўрта Осиёнинг бир қатор ҳудудларига кўчиб ўтган бўлса, 1856 йилда 15 минг, 1860 йилда яна минглаб муҳожирлар айнан Фарғона водийсига келиб жойлашдилар [1.33;8.34;9.20;2.69]. 1862-1878 йиллар оралиғида Фарғона водийсига кўчиб ўтган уйғурлар сони 85-162 минг кишини ташкил этган. Шарқий Туркистон ҳудудини ташлаб чиқиб кетаётганлар орасида хўжалар кўпчиликни ташкил қиларди. Ҳолбуки, қаршилик ҳаракатига, асосан, улар бошчилик қилганлар.

Мазкур муаммони тадқиқ этишда Шарқий Туркистон ўлкасидаги икки диний гуруҳнинг ўзаро курашини эътибордан четда қолдириб бўлмайди. Зеро, хитой босқинидан аввалроқ бошланган хўжалар муҳожирлиги ҳокимиятни эгаллаш учун олиб борилган курашнинг кескинлашуви оқибатидир. Дастлабки давр муҳожирлигига диний фактор ҳам сабаб бўлган эди.

1864 йилдан сўнг, хитойликлар томонидан ўлка босиб олингач, мусулмон аҳолининг тазйиққа олиниши, солиқ ва бошқа тўловларнинг ҳаддан зиёд оширилиши асосий муҳожирлар оқимининг пайдо бўлишига туртки бўлади. Ўлка аҳолисининг камбағал, қашшоқ турмуши, деҳқончилик учун ер етишмаслиги кўплаб уйғурларни мардикорликка ёлланишга мажбур қилган. Мавсумий иш излаб келган мардикорлар кейинроқ ўз оилаларини водийга кўчириб олиб кела бошлайди.

XIX асрнинг иккинчи ярмидан XX асрнинг

ўрталари (1845 йилдан то 1960 йиллар)га қадар давом этган Шарқий Туркистон халқларининг Фарғона водийсига кўчиш жараёни бир неча йирик босқичда амалга ошди.

Кўчиб ўтаётганлар иқтисодий жиҳатдан анча оғир аҳволда яшаганлар. Баъзи вақтларда маҳаллий ҳукумат ҳам уларни ер билан таъминлай олмаган. Фарғона водийсининг Ўш уезди (вилояти) ҳудудига кўчиб ўтганлар (деҳконлар)нинг кўпчилигини ҳукумат ер билан таъминлай олмагани сабабли водийнинг бошқа ҳудудларига мардикорликка кета бошлаган. Ўш вилояти ҳудудида юзага келаётган аҳволдан ташвишланган Туркистон Генерал Губернаторлиги Фарғона вилояти бўйича уйғур қочоқлари учун эллик минг сўм ёрдам пули ажратади[10.130; 25].

1898 йилга келиб Туркистон Генерал Губернаторлиги таркибидаги Фарғона вилоятининг мавжуд 5 уездига ҳам уйғур этник гуруҳи вакиллари кўчиб келиб ўрнашадилар. Ўтган аср бошларида водийнинг энг катта уездларидан бири ҳисобланган Андижонда 1905 йилда 18.000 (18365) дан ортиқ қашқарлик истиқомат қилган бўлса, уездга қарашли Қўқон қишлоқ волостида қашқарлик муҳожирлар 4287 киши ёки аҳолининг 18 фоизини ташкил қилган эди[11.]. Шунингдек, 1905 йилда Ўш уездида 5600 қашқарликлар яшагани Г.Б.Никольскаянинг тадқиқотларида қайд қилиб ўтилади[2.139].

Фарғона водийсига кўчиб ўтаётган уйғурларга Қўқон хонлари томонидан кам ўзлаштирилган бўш ерлар ажратиб берилади. Улар, асосан, водийнинг шарқий ва шимоли-шарқий қисмига, Норин ва Қорадарё бўйларига келиб ўрнашадилар. Муҳожирлар Фарғона водийсида янги ерларнинг ўзлаштирилишида муҳим роль ўйнаган [12.146]. Кўчиб ўтиб жойлашаётган уйғур муҳожирларига ерга эгалик қилиш ҳақида ҳужжат (васиқа)лар ҳам берилади. Улар янги барпо этилган мавзе ва маҳаллаларини илгари ўзлари яшаган жой номлари билан атайдилар. Шу боис ҳам Шарқий Туркистондаги жой номларининг Фарғона водийси топономиясида такрорланиши кузатилади.

Водийда Қашқарқишлоқ, Қашқартўпи, Қашқарий, Қашқарча, Уйғурқишлоқ, Уйғуробод, Тоғлик, Пайноб, Қовул, Тўкў, Пушмон, Озоқ, Шоврук, Дўнгқишлоқ, Тахтакўприк, Ортиш, Тўққизоқ, Жанжал, Чангот, Ғузо, Пайдо, Олақанот, Қўрғонолди, Қўрғонтепа, Эшакчи, Товоқчи, Овот, Қирмачи, Қоракий, Ғодира, Кепакчи, Султонтепа, Эскилик, Тўққизариқ, Хўтанариқ, Эвой, Сунтоқ, Қизмаси, Оғушлик, Теректаги, Тувадак, Қизилаяқ, Майрамтепа, Дўлан номлари билан аталувчи ўнлаб уйғур қишлоқлари учрайди.

Уйғурларнинг Фарғона водийсига кўчиб келиб ўрнашиши билан янги ерларнинг ўзлаштирилиши жадаллашди, бу эса ҳудуднинг иқтисодий ва ижтимоий ҳаётига сезиларли таъсир кўрсатади.

Фарғона водийси билан Қашқар ўлкаси табиий-географик жиҳатдан ўхшаш эди. Ўз навбатида, бу икки минтақа аҳолисининг асосий машғулотлари, турмуш тарзи, ижтимоий-иқтисодий аҳволи ҳам бир-биридан катта фарқ қилмасди. Азалий деҳқон бўлган уйғурлар, юқорида таъкидлаб ўтилганидек, кам ўзлаштирилган, лекин дарё ва сув ҳавзаларига яқин ҳудудларга ўрнашишга ҳаракат қилганлар. Уйғурлар томонидан водийда катор ирригация иншоотлари барпо этилади. Хусусан, Хўтанариқ, Чинобод ариғи, Истанариқ, Оҳшоҳ ариқлари уйғур муҳожирлари томонидан очилади.

Қадимдан маданий марказ ҳисобланган Фарғона водийси жанубда қирғизлар, шарқда уйғурлар, шимолда қозоқлар сингари кўплаб халқлар маданияти уйғунлашган минтақа бўлган. Бу уйғунлик водийликлар моддий (уй-жой қурилиши, кийим-кечак) ва маънавий маданиятининг айрим (оила-никоҳ, диний муносабат ва маросимларида) жиҳатларида яққол намоён бўлади. Шунингдек, жиддий фарқ қилувчи (тил, анъанавий таомлар, мусиқа ва б.) томонлари ҳам оз бўлмаган.

Тўғри, уйғурлар кўчиб келишидан илгари ҳам водийда «қашқарча» анъаналар маълум ва машҳур эди. Уйғурларнинг оммавий кўчишларидан сўнг бу анъаналар янада бойиди, ўз навбатида, маҳаллий анъаналар улар(уйғурлар) томонидан ҳам ўзлаштирилди. Масалан, Шарқий Туркистонда одат бўлмаган ҳовлиларни «ичкари» ва «ташқари» қисмларга ажратиш уларда ҳам бошланган [13.84; 14.100]. Сандалдан илгари фойдаланмаган шарқий туркистонликлар водийда уйнинг каттароқ хоналарини иситиш учун сандал қура бошладилар. Уй ичига супа қуриш Шарқий Туркистон меъморчилигида анча оммалашиб, ошхона ўчоғи сифатида ва уйни иситишда кенг фойдаланишни назарда тутиб уй ичига мўри-ўчоқ қуриш кенг тарқалган.

Фарғона водийсида уй мўриларнинг уч хили: гумбазлик, қашқарча ва нўғайча турлари маълум эди. Водий халқлари қадимдан хонадаги мўриларга ҳам гўзаллик ато қилишга ҳаракат

қилишган. Улар бир-биридан тархда – айлана тузилиши, очиқ қисми равоқ, учбурчак, ярим айлана шаклида тузилиши, устки қисмининг гумбаз, текис юза шаклида ёпилиши билан фарқланарди. Баъзан токчабанд мўрилар ҳам учрарди [15.93]. Мўри ўчоқлар орасида кенг тарқалгани эса “қашқарча мўри” эди. «Қашқарча» услубдаги уйларнинг қишки айвони икки симметрик хоналарни бирлаштириб, бир томонига супа қурилган [16.143;17.64]. Бундай уйларни водийлик уйғурлар айвон ёки равон деб аташади. Ҳатто Қўқон хонлари ўрдаси (1872 й.) қурилишида меъморчиликнинг “қашқарча” услубларидан кенг фойдаланилган [18.123]. Шунингдек, Андижондаги жоме масжиди курилиши архитектураси, ҳашаматли пешайвон ўша машҳур «қашқарча» услубни эслатади.

Водий ҳудудига кўчиб ўтган уйғурларнинг турмуш тарзи, анъанавий кийимлари маҳаллий этник муҳитда бир қатор ўзгаришларга учради. Шарқий Туркистон аёллари «оқ пижа» ёпингани манбаларда келтирилади [19.177;20.124;24]. Юзни тўсиб турувчи “пижа”лар паранжи-чачвонга ўхшаб, одатда, оқ рангли шол рўмолни эслатади. Аёллар Қашқарда “ойпижа”, “оқпижа”, Ёркент ва Оқсуда “лачак”, Турфонда “чимбал”, “чумбат” деб номланган ёпинчиқлар билан юзларини яширишса, Ғулжа, Кучор, Хами ва бошқа жойларда ёпинмаганлар [21.143]. Кейинроқ Фарғона водийсига кўчиб ўтган уйғур аёллари маҳаллий ўзбеклар таъсирида паранжи-чиммат ёпишни одатга айлантирадилар [22.274; 16.145].

Фарғона водийси ҳудудига кўчиб ўтган уйғурлар йиллар мобайнида ўзбек ва қирғизлар билан қоришиб кета бошладилар. Ўзаро аралашиш жараёни ҳаётнинг барча жабҳаларида намоён бўлди. Хусусан, уйғурларнинг маҳаллий миллатлар билан никоҳга киришишлари одатий тус олади, натижада этник аралаш оилалар сони кўпайди.

Умуман, водийга келиб яшаётган уйғурлар билан ўзбеклар амалий санъатларида, хусусан, заргарликда ҳам услублар алмашинуви содир бўлди, улар бир-бирини бойитди. Жумладан, “Қашқарча” деб ном олган заргарлик буюмларининг маҳаллий аҳоли орасида кенг тарқалгани шундан далолат беради.

Таом тайёрлашда халқ турмуш тарзи, урф-одатлари, меҳнат фаолияти хусусиятлари ва иқлим шароитлари ўз аксини топади. Шу боис таом тайёрлаш анъанаси ва маданияти умумхалқ маданиятининг ажралмас қисмидир. Овқатланишнинг ўзига хос хусусиятларини, таом тайёрлашдаги миллий анъаналарни билиш халқлар жипслиги ва дўстлигини мустаҳкамлаш имконини беради.

Тарихнинг қадим даврларидаёқ ўтроқлашган уйғурлар маиший турмушининг характерли жиҳатларини миллий пазандачилик ва анъанавий таомлар яққол кўрсатади. Миллий пазандачиликнинг хусусиятини ифодаловчи иккита асосий омил мавжуд бўлиб, биринчиси таом учун масаллиқ турининг танланиши бўлса, иккинчи омил таомни тайёрлаш услубидир [23.11]. Уйғур пазандачилигида хамирли таомлар катта ўрин эгаллаган, уларни тайёрлаш технологияси анча мураккаб, узоқ вақт ҳамда катта маҳорат талаб қилган. Шундай бўлса-да, водийнинг маҳаллий аҳолиси уйғурча таомлар тайёрлаш технологиясини жуда тез ўзлаштириб олдилар.

Хулоса сифатида шуни айтиш жоизки, водийга кўчиб ўтиб ўрнашган уйғурлар билан маҳаллий аҳоли ўртасида моддий маданият борасидаги кўникма ва услубларни айирбошлаш юз берди. Хусусан, ёнма-ён яшаётган уйғурлар билан водийликларнинг уй-жой қурилиши, кийим-кечаклари, таомларида минтақага хос умумийликлар акс этиб борди. Водийда истиқомат қилаётган уйғурларнинг маҳаллий ўзбеклар билан яқинлашуви, яъни интеграцияси бошқа халқларга нисбатан жадал кечди. Уйғур этносининг бошқа халқлар билан этномаданий алоқалари ҳамда интеграциялашуви маънавий маданиятнинг ажралмас қисми бўлган урф-одат, маросим ва шевада ҳам намоён бўлган.

Адабиётлар:

1. Бухорий Мирза Шамс. О некотрых событиях в Бухаре, Хоканде и Кашгаре.- Казань,1861
2. Никольская Г.Б. Выходцы из Синьцзяна в Туркестане в конце XIX – начале XX вв: Дисс... канд. ист. наук.- Т.1969
3. Акбаров Р.Г.Хозяйственные взаимоотношения и социально-экономическая жизнь населения Ферганской долины во второй половине XIX - начале XX века: Дисс... канд.ист. наук.-Т.2003

4. Винников Я.Р. Современное расселение народов и этнографических групп в Ферганской долине. //С.Э.С.II.- М.,1959
5. Хўжаев А. Буюк ипак йўли: муносабатлар ва тақдирлар. –Т., 2007
6. Зарубин И.И. Список народностей Туркестанского края. – Л.,1925
7. Ғаффоров Ш. Уйғурлар ва дунганларнинг Туркистонга кўчирилиши тарихидан.// Жамият ва бошқарув.- 2002.- №4.- Б.45-47.
8. Куропаткин А.Н. Очерки Кашгарии. -СПб., 1878
9. Маматохунов У. Уйғур адабиёти классиклари. – Т.,1960
10. Мамедова Э. Из истории взаимоотношений (народов) Туркестанского карая и Синьцзяна (со II половины XIX века до 1917 г): Дисс... канд. ист. наук. - Т.,1963
11. Статистический обзор Ферганской области за 1908 г. - Скобелев, 1909
12. История народов Узбекистана. Т. II.- Т.,1947
13. Абдуллаев У. Фарғона водийсида этнослараро жараёнлар.- Т., 2005
14. Воронина В.Л. Жилище народов Средней Азии и климат. // Жилище народов Средней Азии и Казахстана.- М., 1982
15. Нозилов Д. Марказий Осиё меъморчилигида интерьер.- Т., 2005
16. Каримова Р.У. Традиционные художественные ремесла и промыслы уйгуров. – Алматы., 2005
17. Абдуллаев У.С. Отражение межэтнических связей в материальной культуре народов Ферганской долины в конце XIX-XX века.- Ўзбекистон тарихи.- 1999.- №4
18. Қўлдошев Ш. Қўқон хонлиги ва Шарқий Туркистон ўртасидаги сиёсий, иқтисодий ва маданий алоқалар: Тар.фан.ном... дисс. - Т., 2009
19. Валиханов Ч.Ч. Избранные произведения. - М.,1986
20. Певцов М.В. Путешествия в Кашгарию и Кун-Лунь. – М., 1949
21. Чвырь Л.А. Уйгуры Восточного Туркестана и соседние народы в конце XIX- XX в. (Очерки историко-культурных связей) –М., 1990.
22. Захарова И.В. Материальная культура уйгуров Советского Союза. // Среднеазиатский этнографический сборник. Ч. 2.Т.47.- М.,1959
23. Маҳмудов К. Ўзбек тансиқ таомлари. -Т., 1989
24. Дала ёзувлари. 2008 йил. Андижон вилояти Андижон шаҳри. Ахборотчи М. Ибрагимохунова. 65 ёш.
25. ЎзР МДА. И-1. 16-р. 2363-иш. 54-в.

Андижон қишлоқ хўжалик институти
2010 йил 3 ноябрда қабул қилинган
(Тақризчи: проф. И.Алимов)